Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 20 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 215 (13.278)

Баҳоси эркин нархда

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Тошкентда ўтган 43-сессияси иштирокчилари 19 октябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.





САМАРҚАНДГА ТАШРИФ:

ҲАЙРАТ ВА ҲАВАС

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди.

Буюк Йўлбошчимизнинг мустақил Ўзбекистон давлатини барпо этиш ва уни ҳар томонлама ривожлантиришдаги беқиёс хизматлари ёдга олинди. Юртимиздаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар, буюк аждодларимиз номи билан боғлиқ масканларни обод этиш, халқимизнинг маънавий меросини тиклаш ва асраб-авайлаш борасида Биринчи Президентимиз улкан жасорат, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатгани алоҳида таъкидланди.

Меҳмонлар Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Регистон ансамбли, Мирзо Улуғбек музейи ва расадхонаси билан танишди.

– Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясига жуда катта тайёргарлик кўрилгани ва анжуман юқори савияда ўтганини алоҳида таъкидламоқчиман, – дейди Ироқ ташқи ишлар вазири ўринбосари Умар Берзинжи. – Тадбир доирасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги муқаддас қадамжолар, таълим масканларига уюштирилган саёҳатлар бизда улкан таассурот қолдирди. Айниқса, ер юзининг сайқали бўлган Самарқанд шаҳри, Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилиш имконияти яратилганидан бениҳоя хурсандмиз. Бу сафар ҳаётимизда шубҳасиз унутилмас воқеа бўлиб қолади. Буюк муҳаддис Имом Бухорий ҳазратлари мангу ором топган масканнинг шундай кўркам ва улуғвор салобатидан ҳайратга тушдик.

– Ўзбекистонда муқаддас зиёратгоҳлар, масжидларни обод этиш, уларни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳар қанча таҳсинга сазовор, – дейди Мали ташқи ишлар вазирлиги ходими Бен Азиз Ракони. – Бу давлатингизнинг ушбу соҳага алоҳида эътибор кўрсатаётганидан далолатдир. Халқаро анжуман доирасида энг катта орзуларимдан бири ушалиб, муҳаддислар султони Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш насиб этгани учун Яратганга беҳисоб шукроналар айтаман. Мажмуанинг ўзига хос миллий архитектураси, ободлигини кўриб лол қолдим. Ушбу масканга яна келишни ният қилдим.

Самарқанд автомобилсозлик коллежидаги таълим жараёнлари билан танишув чоғида мамлакатимизда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқаро андозаларга мос миллий таълим моделини яратиш борасида оламшумул ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши, "Таълим тўғрисида"ги ва соҳага оид бошқа қонунлар асосида замон талабларига тўла жавоб берадиган миллий таълим тизимига асос солинди. Айни пайтда дунёнинг кўплаб минтақаларида болаларнинг ўқиши оғир муаммога айланиб бораётган бир пайтда Ўзбекистонда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ўз ичига олган, давлат томонидан кафолатланган 12 йиллик бепул мажбурий таълим тизими жорий этилган. Бунинг натижасида мамлакатимиз ёшлари билим олиш билан бирга, касб-ҳунар эгаллаб, жамиятда ўз ўрнини топмоқда. Мазкур муассасалар битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масаласи ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида экани меҳмонлар томонидан алоҳида эътироф этилди, ўрганса арзигулик тажриба сифатида қайд этилди.

– Автомобилсозлик бўйича тўрт йўналишда ўндан ортиқ мутахассислар тайёрланадиган мазкур муассасада ўқувчиларнинг билим олиши, касб-ҳунар ўрганиши учун яратилган шароит олий ўқув юртлари даражасида экани эътиборимни тортди, – дейди Иорданиянинг Ислом ҳамкорлик ташкилотидаги вакили Мажид Талжи. – Бу Ўзбекистонда давлат томонидан таълим соҳасига бўлган жуда катта эътибор самарасидир. 17-18 ёшли йигит-қизларнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиб, автомобилсозликнинг мураккаб жараёнларини пухта ўрганаётгани ҳавасимизни келтирди. Коллеж битирувчиларининг асосий қисми Самарқанддаги автомобиль заводлари ва уларга техник хизмат кўрсатиш марказларида ишлаётгани янада эътиборлидир.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-академик лицейга ташриф буюрган меҳмонларга муассаса ўқувчилари бу ерда яратилган шароит ва имкониятлар ҳақида сўзлаб берди. Бир неча хорижий тилларда эркин суҳбатлашган ёшларнинг билими, интилиш ва шижоати меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Аниқ, ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар, хорижий филология йўналишларида 1350 ўқувчи таълим олаётган ушбу академик лицейнинг 3 нафар қизи Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган. Кейинги беш йилда ўнга яқин ўқувчи халқаро фан олимпиадаси ғолиблигини қўлга киритган. 50 дан ортиқ йигит-қиз мамлакат ва халқаро спорт мусобақаларида муносиб иштирок этган.

– Ўзбекистон заминидан диний ва дунёвий илмларда жаҳонга машҳур алломалар етишиб чиққанини яхши биламиз, – дейди Гамбиянинг Ислом ҳамкорлик ташкилотидаги вакили Умар Саллоҳ. – Уларнинг буюк хизматлари ҳамон ҳайрат ва ҳавас билан ўрганилади. Бугун замонавий таълим масканларида таҳсил олаётган ёшлар билан суҳбатлашиб, уларнинг фикрларини эшитиб, бу табаррук юртда улуғ аждодларига муносиб авлодлар камолга етаётганига амин бўлдик. Бундай авлод буюк ишларга қодир.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан "Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш" мавзуида конференция ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев жорий йил 5 октябрда имзолаган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон тадбиркорлик ривожида янги босқични бошлаб берди.

Мазкур Фармон давлат органлари олдига тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш вазифасини қўйди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни таъминлаш ва бунга йўл қўймасликни энг муҳим устувор йўналиш сифатида мустаҳкамлади.

Фармонда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш белгиланган.

– Бундай институтни ташкил этиш ўзига хос янгиликдир, – дейди қўмита аъзоси, депутат Отабек Абдуғаниев. – Мазкур институт фаолияти йўлга қўйилиши тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, амалдаги қонунчилик меъёрларига тўлиқ риоя этилиши юзасидан ижро интизомини такомиллаштиришда мустаҳкам кафолат бўлиб хизмат қилади. Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ушбу институт тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлашда, давлат тузилмалари билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ифодалашда муҳим ўрин тутади.

Фармонда маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштиришнинг давом эттирилиши муносабати билан Жиноят, Солиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ва бир қанча қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилган. Конференцияда хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Сайёра ШОЕВА

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 79-сайлов участкасида кўргазмали семинар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти раҳнамолигида мамлакатимизда сайловларни ўтказишнинг халқаро андозаларга мос мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилгани ушбу муҳим сиёсий тадбирнинг тенглик, ошкоралик ва демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминлашда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

● Оҳангарон туманида "Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунининг ёш авлод камолотида тутган ўрни" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Жиззах вилоятида "Ижтимоий шериклик: тинчлик, тотувлик, фаровонлик ва барқарор ривожланиш кафолати" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

● Самарқандда Жанубий Корея кино санъати фестивали бўлиб ўтди. Кинофестивалда самарқандлик киномухлисларга "Отамга бағишлов", "Детектив К", "Ҳимолай", "Мени тут" бадиий фильмлари намойиш этилди.

● "Камалак юлдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалининг Нукус шаҳар босқичида 800 га яқин ўғил-қиз иштирок этди. Фестивалда болалар фортепьяно, торли, зарбли, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоблари, миллий ва академик кўшиқчилик ижрочилиги, эстрада, фольклор ва хор гуруҳлари, бал рақси, миллий ва замонавий рақс ижроси, рангтасвир ва амалий санъат, гиламдўзлик, каштачилик бўйича истеъдодини намойиш этди.

ЖАҲОНДА

● Франциянинг Лион шаҳрида ҳайдовчисиз электрон автобуслар қатнови йўлга қўйилди. "Navya" компаниясининг автопилотли микроавтобусларининг ўз йўналиши бўйлаб хавфсиз ҳаракатланиши учун сенсорлар тизими, стереоскопик камера, GPS навигацияси ва ҳаракат датчикларидан фойдаланилмоқда. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида ҳар бир автобус ҳаракатини оператор кузатиб боради.

● Мадриднинг "Реал" ҳамда Португалия терма жамоаси аъзоси Криштиану Роналду ва сербиялик теннисчи Новак Жокович 2017 йилнинг Гиннеслар рекордлар китобидан ўрин олишди. Чунончи, Роналду "Twitter" сайтида энг оммабоп спортчига айланди. Бугунги кунда ушбу сайтда унинг 47 262 909 нафар мухлиси борлиги қайд этилган бўлса, Жокович битта мавсумда 21 460 145 долларлик рекорд даражадаги мукофот пулларини ишлаб топган.

● АҚШ транспорт вазирлиги йўловчиларга парвозлар вақтида "Samsung Galaxy Note 7" смартфонидан фойдаланишни тақиқлади. Бордию йўловчилар ўзбошимчалик билан мобиль алоқа воситасини ўзи билан самолётга олиб чиқса ёки шунга уриниш аниқланса, мижоз ҳаво транспортига чиқарилмайди. Бунга шундай русумдаги айрим смартфонларнинг батарея қувватланиши чоғида портлаб кетиши сабаб бўлмоқда.

2016 йил 19 октябрь куни Тошкент шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съезди бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган 300 га яқин делегат қатнашди.

4 декабрь – сайлов куни

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ VIII СЪЕЗДИ

Съезд иштирокчилари 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа эканлиги, унда ЎзЛиДеПнинг фаол иштирок этиши лозимлигини қайд этди.

Анжуман қатнашчилари таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам асослари яратилди. Демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор иқтисодиёти тамойилларига ўтиш, аҳоли ҳаёт даражасини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Қонун устуворлиги, кўппартиявийлик, демократик сайловлар мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётининг ажралмас таркибий қисмига айланди.

Съезд иштирокчилари томонидан юртимизда ҳар томонлама ўзини оқлаган ислоҳотларнинг давомийлигини, Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталик, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида фаол иш олиб бориш вакиллик органларида энг кўп депутатлик ўринларига эга бўлган етакчи сиёсий куч сифатида ЎзЛиДеП учун бундан буён ҳам асосий мақсад бўлиб қолиши таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

СЕУЛ. 19 октябрь. ЎзА махсус мухбири Нодира МАНЗУРОВА хабар қилади.

Корея Республикасининг пойтахти Сеул шаҳрида "Itaewon Global Village Festival – 2016" халқаро маданият фестивали бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг маданият, санъат ва сайёҳлик соҳасидаги салоҳияти кенг намойиш этилди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларни ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган изчил ислоҳотлар самарасида Ўзбекистон иқтисодиёт, маданият, санъат, спорт, сайёҳлик ва бошқа жабҳаларда катта салоҳиятга эга мамлакат сифатида дунёга танилди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланиб бормоқда. Фан, таълим, санъат, спорт, туризм каби қатор йўналишлардаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат санъаткорлари Ўзбекистон ва Жанубий Кореяда ўтказиладиган маданият ва санъат анжуманларида мунтазам иштирок этмоқда.

Ўзбекистонда корейс тили, маданияти ва санъати, Жанубий Кореяда эса ўзбек тили, халқимиз тарихи ва маданияти кенг ўрганилмоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юртлари Корея Республикасининг ўттиздан ортиқ илмий-тадқиқот муассасалари билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётир. "Ўзбекистон – Корея" дўстлик жамияти халқларимизнинг дўстлик ришталари ва маданий алоқаларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётир.

"Itaewon Global Village Festival – 2016" халқаро фестивалида турли мамлакатлар халқларининг маданияти, урф-одатлари, қадрият ва анъаналари, миллий либослари, таомлари, ҳунармандлик ва амалий санъат намуналари намойиш этилди. Санъаткорлар ижросида мумтоз ва замонавий куй-қўшиқлар янгради.

(Давоми 3-бетда)

АВИАЦИЯ ҲОДИСАСИГА ДОИР ХАБАР

2016 йил 18 октябрь куни Фарғона вилояти ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг режа асосида парвоз қилган Ми-171 вертолёти ҳалокатга учради. Ҳалокат оқибатида 3 экипаж аъзоси ва вертолётда бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 6 ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлди.

Авиаҳалокат сабабларини текшириш бўйича махсус комиссия ташкил этилди.

Ўзбекистон раҳбарияти ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг матбуот хизмати

Сайлов – 2016

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ VIII СЪЕЗДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ЎзЛиДеПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, ўтган йиллар давомида юртимизда амалга оширилган ривожланиш йўлини янги, юксак босқичга кўтаришга қодир, ислоҳотларнинг туб моҳиятини аниқ биладиган, уларни амалга ошириш жараёнларининг фаол иштирокчиси бўлган, халқ тақдирини ўз тақдири билан чамбарчас боғлаб, доимо эл-юрт ташвиши билан яшайдиган, ташаббускор ва ташкилотчи шахс номзодини илгари суриш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Ана шу ҳолатларни ҳамда съезд делегатларининг чиқишларида ўз аксини топган сайловчилар ва кўп сонли партия электорати вакиллари фикрларини инобатга олган ҳолда, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг съезди бўлажак сайловда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кенг миқёсли ислоҳотларни амалга ошириш, мустақил давлатчилик асосларини барпо этиш ва мустаҳкамлашда, бозор тамойилларига асосланган мутлақо янги иқтисодий тизимни шакллантиришда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовга узоқ йиллар елкадош бўлиб ишлаган, ўзининг бутун меҳнат фаолиятини Ватанимиз равнақига бағишлаб келаётган инсон, ўзининг амалий фаолияти билан юртдошларимиз орасида ҳақли равишда катта ҳурмат ва обрў-эътибор қозонган, партия Сиёсий Кенгашининг аъзоси Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Тадбирда ЎзЛиДеП томонидан кўрсатилаётган номзод шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган сайловда халқимиз томонидан қўллаб-қувватланишига ишонч билдирилди.

Съездда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастурининг асосий йўналишлари ҳақида маъруза қилди.

Съезд қарорига кўра ЎзЛиДеП қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партия номзодини рўйхатга олишни сўраб Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига мурожаат этади.

Съездда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Съезд якунида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ташкил этилди.

ЎзА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни шаҳар округ сайлов комиссияси раиси А.Юнусхўжаев олиб борди.

ШАҲАР ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Унда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунининг 4, 17, 18[1] ва 19-моддаларига мувофиқ ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг тавсиясига асосан Тошкент шаҳридаги 713 та ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузуридаги 44 та участка сайлов комиссиялари аъзолари ва уларнинг шахсий таркиби тасдиқланди.

Округ сайлов комиссиясининг иш режасига мувофиқ Олмазор ва Сергели туман ҳокимликлари томонидан сайлов участкаларини жиҳозлаш, комиссия фаолиятини олиб бориш учун зарур шароитлар яратиш борасида олиб борилаётган ишлари юзасидан ҳисоботлари муҳокама этилди.

Туман ҳокимликларига сайлов участкалари учун ажратилган биноларга олиб борувчи йўлакларни таъмирлаш, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш, шу жумладан интернет тармоғига уланишини назорат қилиш ҳамда туман ҳудудида ташкил этилган намунавий сайлов участкалари асносида барча сайлов участкаларини жиҳозлаш вазифаси топширилди.

Шунингдек, "Тошшаҳарнур" давлат унитар корхонасига қисқа муддатда сайлов участкалари ва унга олиб борувчи йўллардаги ташқи ёритиш тизимини янада яхшилаш вазифаси юклатилди. "Ўзбектелеком" Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиалининг сайлов участкаларини телефон алоқаси билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Шу билан бир қаторда сайлов участкаларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилишнинг ҳолати бўйича олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди.

* * *

Шу куни маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг йиғилиш якунларига бағишланган брифинг ўтказилди.

Унда шаҳар округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида кўрилган барча масалалар ва қабул қилинган қарорлар бўйича журналистларга атрофлича ахборот берилди.

(Ўз мухбиримиз)

ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Сўнгги йилларда юртимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш хусусий секторнинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини ошириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўз ўрнида мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 2016 йил 5 октябрда имзолаган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам бу борада олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу Фармоннинг қабул қилиниши аввалambор тадбиркорлик фаолиятига аралашувни қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, норматив базани мустаҳкамлашга, судлар ролини оширишга, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жиноят қонунчилигини янада эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашишларга чек қўйиш каби масалаларни ҳал этишга хизмат қилади.

Тадбиркорнинг ишига халақит берадиган, баъзан фаолиятининг бутунлай тўхтаб қолишига олиб келадиган ҳолат – бу турли ўринли-ўринсиз текширишлардир. Тасаввур қилинг, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган, ўнлаб одамлар ишлаётган корхонага назорат қилувчи органлар томонидан, арзимаган сабаблар билан корхона фаолиятини тўхтатиб қўйса. Бунинг оқибатида етказилган зарарни тадбиркорга ҳеч ким қоплаб бера олмайди.

Эндиликда Фармонга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади, бундан юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар мустасно.

Мазкур Фармонда бу каби қоидаларнинг қатъий белгилаб қўйилишига алоҳида эътибор қаратилгани кўпчилик тадбиркорлар томонидан кўтаринки руҳда қабул қилинди ва янада ўз фаолиятларини кенгайтиришга, хорижий инвестицияларни жалб қилишга иқтисодиётимизни ривожлантиришга улуш қўшиш ҳиссини оширади, деб ўйлайман.

Шунингдек, Фармонга мувофиқ, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун хорижий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарига беш йил мобайнида улар рўйхатдан ўтказилган санада амалда бўлган солиқ ставкалари ва бошқа мажбурий тўловларни қўллаш ҳуқуқи берилади. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўллаш тақиқланган. Бу ўз навбатида республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушини изчил ошириш имконини беради.

Фармонга мувофиқ хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг тўртта асосий йўналиши бўйича жорий йилда амалга ошириладиган ўттиз учта аниқ чора-тадбирни кўзда тутувчи комплекс Дастур тасдиқланди. Унда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ушбу ҳуқуқий ҳужжат, иқтисодиётимизни либераллаштириш ва бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш орқали халқимиз фаровонлигини таъминлаш ва ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш ва қонун ижроси устидан самарали назорат ўрнатишда парламентимизнинг ваколати ва масъулиятини оширади. Чунки, Фармонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига қуйидаги асосий ваколатларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш кўзда тутилган. Бу Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари зиммасига ҳам катта вазифалар юклайди.

Улуғбек САМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий тараққиётига таъсир қилувчи, мамлакатнинг ҳақиқий характерини кўрсатувчи кўплаб ҳолатлар бўлиб, уларнинг орасида сайлов алоҳида ва ҳал қилувчи роль ўйнайди.

ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ

Демократик тамойиллар асосида ташкил қилинадиган ва ўтказиладиган сайловлар бир томондан, шу мамлакатдаги фуқароларнинг давлат органларини тузиш ва давлат органлари ишида бевосита ҳамда реал иштирокини таъминласа, иккинчи томондан, тўғри ташкил қилинган демократик сайловлар натижасида фуқаро ва жамият манфаатига мос давлат органлари вужудга келади. Қолаверса, сайлов фақат ҳокимият тузилмаларини ташкил қилиш, уларга ўз вакилларини сайлашгина эмас, у давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан назорат ўрнатиш усули ҳамдир. Ишончни оқламаган, ўз фаолияти, ҳаракати билан сайловчилар манфаатини рўёбга чиқара олмаган вакиллар, навбатдаги сайловларда етарли овоз ололмайди. Шунинг ўзи назоратдир. Сайловларни демократик асосда ўтиши, кўзланган мақсадга эришиш учун нималар зарур?

Биринчидан, сайловлар ҳам фуқаролар, ҳам жамиятга фойдали бўлиши учун сайлов ташкил қилиш ва ўтказишнинг кучли ҳуқуқий асоси мавжуд бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши билан республика сайлов тизимининг ҳуқуқий асосини яратиш, мустаҳкамлаш бошланди ва сайлов Конституциявий институт мақомига эга бўлди. Конституциянинг XXIII боби "Сайлов тизими"га бағишланиб, унда жаҳон миқёсида ўзини оқлаб келаётган сайлов ҳуқуқининг умумий принциплари – умумий, тўғри, тенг, яширин сайлов принциплари мустаҳкамланди ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳар қанақа чеклашга йўл қўйилмаслиги ўз аксини топиб, сайлов ўтказиш тартибининг қонун билан белгиланиши кўрсатиб қўйилди.

Конституциянинг шу қоидасини амалга ошириш учун мамлакатимизда сайлов тўғрисида бир нечта махсус қонунлар қабул қилинди.

Иккинчидан, сайловларда сайловчиларнинг ҳақиқий иштирокини таъминлаш, сайловчилар онгини ўзгартириш, сайлов варақаларини тўлдиришда уларнинг масъулиятини кучайтириш зарур.

Фуқарога сайлов варақаси топширилган вақтда унга жуда катта имконият берилади, унинг овоз бериш натижаси ҳокимият органларига кимнинг келишини ҳал қилади. Сайловчи номзодга овоз бераётган пайтда, шу шахсга ўз тақдирини, қолаверса, давлат тақдирини топширади. Ана шу масъулиятни ҳис қилгандагина вакиллик органларига ҳам, давлат бошлиғи лавозимига ҳам муносиб шахслар сайланади. Ана шу нарса сайловчи фуқаронинг овоз бериши фақат унинг ҳуқуқигина эмас, масъулияти ҳам эканлигини доимо англаб туришини тақозо этади. Бунинг учун сайловчи кенг ахборотга, номзод ҳақида маълумотларга эга бўлиши керак. Тегишли маълумотларга эга фуқаролар сайловда иштирок этганда, сайлов, овоз бериш сифатли бўлади ва кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган сайлов тизимининг ҳуқуқий асоси, яъни, қонунлар демократик характерда бўлиб, ҳеч бир демократик мамлакатларнинг сайлов қонунларидан кам эмас ва жамиятимиз, давлатчилигимиз тараққиёти, халқимиз онги, орзу-истакларига мос келади.

Сайловнинг аҳамияти шундаки, унинг натижасида фақат вакиллар, давлат бошлиғи сайланибгина қолмай, жамият аъзоларининг хоҳиш-иродаси, кайфияти, олиб борилаётган сиёсатга муносабати аниқланади. Конституциявий тарзда ўрнатилган ва жамият тараққиётининг муҳим омили ҳисобланмиш фикрлар хилма-хиллиги яққол намоён бўлади. Демократик, адолатли жамиятни демократик сайловларсиз қуриш мумкин эмас.

Сайлов ҳуқуқи бутун дунёда умумэътироф этилган энг муҳим ва конституциявий сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, у фуқароларга нафақат вакиллик органларини ташкил этиш, балки бундай органларга ўз вакилларини юбориш имкониятини ҳам беради. Фуқаролар томонидан уларнинг сайлов ҳуқуқларининг ҳеч тўсиқсиз амалга оширилиши уларнинг давлат бошқарувида иштирокининг энг муҳим шаклларидан бири ҳисобланади.

Фуқароларнинг бевосита сайлов жараёнида, ўзлари эркин сайлайдиган вакиллари орқали мамлакатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқининг амалга оширилиши учун яратилган имкониятга қараб, у ёки бу давлатнинг қай даражада демократик тамойиллар асосида яшаётганлигига баҳо бериш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими 1992 йилги Конституция ва сайловлар тўғрисидаги қонунлар, жумладан, 2003 йил 29 августда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади. Уларга биноан, Ўзбекистонда мажоритар сайлов тизими қўлланилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини олиши керак. Агар сайловда сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб ҳисобланади.

Агар сайлов округи бўйича депутатликка иккитадан ортиқ номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан биронтаси ҳам кўпчилик овозни ололмаса, яъни депутат бўлиб сайланмай қолса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзодни округда такрорий овозга қўйишни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бу қарор Марказий сайлов комиссиясига юборилади. Марказий сайлов комиссиясининг қарори асосида икки ҳафта ичида такрорий овоз бериш ўтказилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган депутатликка номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, сайланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иккита номзод иштирок этган тақдирда, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг нисбий кўпчилик овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иккитадан ортиқ номзод қатнашган тақдирда, агар номзодларнинг ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини ололмаган бўлса, сайловчиларнинг овозини энг кўп олган икки номзод иштирокида такрорий овоз бериш ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида турли сабаблар (номзоднинг ўлими, номзоднинг соғлиғи ҳолати сайловда иштирок этишни истисно этадиган даражада ёмонлашганлиги ёки Қонунда белгиланган бошқа сабабларга кўра унинг номзоди олинганлиги ва шунга ўхшаш сабаблар) натижасида биттагина номзод иштирок этган тақдирда, бу номзод, агар у овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини олган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Сайлов, агар унда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг 33 (ўттиз уч) фоизидан ками иштирок этган бўлса, ўтмаган деб топилади.

Такрорий овоз бериш кунини Марказий сайлов комиссияси сайлов ўтказилган кундан эътиборан бир ой ичида, лекин сайлов ўтказилган кундан камида ўн беш кун кейин ўтказиладиган қилиб тайинлайди. Такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

Такрорий овоз беришда унда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фоизи ҳисобга олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, шунингдек агар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида битта номзод иштирок этган бўлса ва у зарур миқдорда овоз тўплай олмаган бўлса, Марказий сайлов комиссияси такрорий сайлов тайинлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига такрорий сайлов ушбу Қонунда асосий сайловни ўтказиш учун белгиланган тартибда ҳамда ундаги шартларга риоя этилган ҳолда ўтказилади. Бунда Марказий сайлов комиссияси сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Такрорий сайлов асосий сайлов ўтказилганидан кейин қирқ кун ичида ўтказилади.

Шу тариқа, Ўзбекистонда мажоритар сайлов тизими жорий қилинган бўлиб, бунда сиёсий партиялар сайловчилар кўпчилигининг қўллаб-қувватлашига эришишга мажбурдирлар. Бу сайлов тизими жамиятга нима беради? Партиялар бунда эҳтиёт бўлиши, муҳим бўлган ўз сиёсатини улар билан оҳилона келишиб олиб бориши, халқнинг қандайдир ижтимоий қатламларига ёки улар яшаётган минтақаларга эмас, балки барча тоифадаги кўпчилик сайловчиларга фаол хизмат қилиши керак. Мажоритар сайлов тизими партиялар йўлини фуқаролар билишига қаратилган йўналишни рағбатлантиради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон сайлов тизимининг бир-бирига зид бўлмаган қуйидаги принциплар ва аниқ талаблар асосида қурилганлигига ишонч ҳосил қилса бўлади:

Биринчидан, Ўзбекистон сайлов тизими тўла Конституцияга асосланади.

Иккинчидан, Ўзбекистонда сайловлар йўли билан шакллантириладиган давлатчилик ва давлат ҳокимияти бутунлай қонунийдир.

Учинчидан, Ўзбекистон сайлов тизими тартиботлари ва вазифалари қонуний бўлиб, улар ҳуқуқий жиҳатдан тўла таъминланган.

Тўртинчидан, Ўзбекистон сайлов тизимининг демократиклиги, фуқароларнинг ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги Конституция ва қонунлар билан кафолатланади.

Бешинчидан, Ўзбекистон сайлов тизими барқарорлик, тараққиёт, қонунийлик, ҳуқуқий тартибот, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган.

Олтинчидан, Ўзбекистон сайлов тизими халқчил бўлиб, барча фуқаролар учун тушунарли ва қулай қилиб ўрнатилган.

Еттинчидан, Ўзбекистон сайлов тизими ташкилий жиҳатдан уюшган ҳолда, конституциявий, ҳуқуқий, суд назорати остида ўтказилади ва қонуний бошқарилади.

Саккизинчидан, Ўзбекистон сайлов тизими тежамли қилиб ўрнатилган.

Тўққизинчидан, Ўзбекистонда овоз бериш ва сайланишнинг зиддиятсиз ўтиши учун ҳамда овоз бериш натижаларини олиш мақсадида етарлича кафолатлар яратилган.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент давлат юридик университети доценти

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси

Келажагимиз эгаларининг маънан етук, жисмонан соғлом, юксак салоҳиятли, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда камолга етишида оила – маҳалла – таълим муассасаси ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.



2016 йил – Соғлом она ва бола йили

СОҒЛОМ ОИЛА, АҲИЛ МАҲАЛЛА, НАМУНАЛИ МАКТАБ

Бу борада пойтахтимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида **Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида АБДУРАҲИМОВА** ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Фарзандларимизни маърифатли ва маънавиятли қилиш, касб-ҳунар эгаллаб, жамиятга нафи тегадиган инсон бўлиб камол топишида ота-оналарга маҳалла ва таълим муассасаси энг яқин ёрдамчи ҳисобланади. Ёшларимиз маънавиятини шакллантиришда оиладаги муҳит, она тарбияси, оталар ўгити, кейинчалик маҳаллада, умумтаълим мактабларида, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида бериладиган таълим-тарбия муҳим ўрин тутади.

Истиқлол йилларида оила, хотин-қизлар, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишга оид 50 дан ортиқ қонунлар, қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, бир неча халқаро конвенциялар ратификация қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асосдир. Мазкур қарор ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятини кучайтириш, ўқув муассасаларида таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини яхшилашда муҳим омил бўлаётир.

“Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги концепциясининг жорий этилиши қисқа муддатда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди. Ушбу концепция навқирон авлодни турли ҳуқуқбузарликлар, экстремизм, гиёҳвандлик, “оммавий маданият” каби иллатлардан асраб-авайлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни касбга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимиздаги мавжуд беш юздан зиёд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” жамоатчилик кенгашлари ташкил этилиб, улар ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятини кучайтириш, ўқувчиларнинг дарсларга қатнашишини ўрганиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Маҳаллаларда қизларнинг одоб-ахлоқ мезонларига қатъий риоя этиши, тафаккурини бойитиш, салоҳиятини юзага чиқариш мақсадида тажрибали психологлар, ўқитувчи ва мураббийлар, онахонлар иштирокида турли тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар мунтазам ўтказилмоқда. Мақсад – эрта турмушнинг олдини олиш, қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни маълумотли, касб-ҳунарли қилиш, жамиятда муносиб ўринларини топишига кўмаклашишдир.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, қизларимиз тимсолида биз аввалambор бўлғуси оналарни, халқимиз, миллатимизнинг умиди ва таянчи ҳисобланган келажак авлодни дунёга келтириб, вояга етказадиган наслимиз давомчиларини кўрамиз. Қиз бола соғлом ва бахтли бўлса, у қурадиган оила ҳам, унинг меваси бўлмиш бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади.

Мамлакатимизда қизларимизнинг замонавий касб-ҳунар ўрганиши, 12 йиллик мажбурий бепул таълимдан фойдаланиб, ўз иқтидор ва салоҳиятларини намоён этишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Пойтахтимизда бугунги кунда “Аёллар маслаҳат марказлари”нинг фаолият юритаётгани, у ерда хотин-қизларимизга ҳуқуқий, тиббий, психологик хизматлар кўрсатилаётгани ҳам маънавий соғлом оилалар камол топишида муҳим омил бўлмоқда.

Тошкент шаҳар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталари қошида касб-ҳунар коллежларини битирган қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича штаблар ташкил этилган. Мазкур штаблар орқали қизларнинг ҳунар эгаллаганларидан кейин ўзлари танлаган йўналиш бўйича бандлигини таъминлаш, келгуси ҳаётда ўз ўрнини топишида амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Масалан, 2015-2016 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини битирган ўн икки мингдан зиёд қизнинг бандлигини таъминлашга кўмак берилди.

Афсуски, бугунги кунда ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм каби ёт ва бузғунчи ғоялар интернет орқали ёшларимиз онгига рахна солмоқда. Ана шундай иллатларнинг олдини олиш мақсадида бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни атрофлича таҳлил қила оладиган мутахассисларни жалб этган ҳолда ёшлар учун ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Қиз боланинг тарбияси қанча эрта бошланса, шунча яхши. Мактабгача таълим муассасаларида ўтказилаётган “Зумрадойлар давраси” тўгараги жажжи қизалоқларни миллий урф-одат ва қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, иболи, хаёли ва юксак маънавиятли қилиб вояга етказишга хизмат қилмоқда.

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда жорий этилган “Ораста қизлар” тўгараги уларнинг жисмонан соғлом, ҳар томонлама билимли ва юксак маънавиятли бўлиб вояга етиши, халқимизга хос одоб-ахлоқ мезонларини ўзлаштиришида муҳим аҳамият касб этаётир. Тўгаракларда қизларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг шахсий гигиена қоидаларига мунтазам амал қилиб боришини таъминлаш мақсадида шифокорлар, ҳуқуқшунослар, меҳнат фахрийлари иштирокида турли тадбирлар ўтказилмоқда.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигидаги ишлар кўлами янада кенгайди.

Яқинда Учтепа туманининг Журжоний маҳалласида маърифий тадбир ўтказилди. Коллежда таҳсил олаётган Ф. исмли қиз ота-онаси, айниқса, “тезроқ тўй қилинглар, кўзим очиқлигида неварамнинг келин бўлганини кўрай”, деб шошилтираётган кекса бувиси ҳақида гапириб берди. Ф. таълим муассасасидаги фаол, ташаббускор, аълочи, жамоатчи қиз экан. У коллежни тамомлаб, олий ўқув юртига киришни орзу қилади. Тадбирдан сўнг психолог, шифокор, маҳалла кайвонилари биргалашиб, қизнинг ота-онаси ва бувиси билан учрашди, унинг хоҳишини тушунтиришди. Натижада яна битта эрта никоҳнинг олди олинди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда “Маҳалланинг энг ораста қизлари” танлови ўтказилди. Танловнинг маҳалла, туман ва шаҳар босқичларида ўн мингдан ортиқ қиз иштирок этиб, ўзларининг соғлом турмуш тарзи, 12 йиллик таълимнинг аҳамияти, қизларга хос ибо, қийиниш маданияти борасидаги билимлари ҳақида сўзлаб берди.

Ҳар соҳада фаол ва ташаббускор ўзбек қизлари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов орзу қилганидек, “... ўзбек аёли маърифатли, маънавияти юқори, тафаккури теран, шу билан бирга, замонамизга хос барча ижобий хислатларни ўзида мужассамлаштирган оқила ва доно бўлиши керак. Чунки аёл жамиятнинг негизи ҳисобланган оилада фарзандлар тарбияси билан шуғулланиб қолмасдан, жамиятда ҳам ўз ўрнига эга бўлмоғи лозим”, деган ўгитлари асосида камолга етмоқда.

Азима ҚИЁСОВА
ёзиб олди

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги элчихонаси томонидан ташкил қилинган “Ўзбекистон” миллий стенди ўзига хос дизайни, безаклари ва мазмунан бойлиги билан фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлари эътиборини тортди. Унда мамлакатимиз тарихи, халқимизнинг миллий анъана ва қадриятлари акс этди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент ва бошқа шаҳарларимизнинг диққатга сазовор жойларига оид маълумотлар, халқ ҳунармандлиги буюмлари хорижликларда катта қизиқиш уйғотди. Миллий куй-қўшиқларимиз ва ранг-баранг рақслар ижроси, серқуёш заминимизда етиштирилган сархил мевалар ҳамда ўзбек миллий таомлари барчага манзур бўлди.

– Мен турфа халқлар урф-одат ва анъаналарига, маданий ва маънавий меросини ўрганишга жуда қизиқаман, – дейди норвегиялик сайёҳ Сигрид Женсен Стромснес. – Фестиваль асносида Ўзбекистон ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотларни билиб олдим. Мамлакатингизнинг гўзал табиати, қадимий ва замонавий шаҳарлари, миллий урф-одатларингиз, тансиқ таомларингиз менга жуда ёқди. Ўзбекистонга албатта саёҳат қиламан.

“Itaewon Global Village Festival – 2016” халқаро фестивали жаҳон жамоатчилигини мамлакатимиз санъат, маданият, сайёҳлик соҳаси имкониятлари билан кенг таништириш, икки ва кўп томонлама манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, дўстона ришталарни янада мустаҳкамлаш имконини берди.

ЎзА

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

“ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ АХБОРОТ ХИЗМАТИ”

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, йирик хўжалик субъектлари, шунингдек, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари ўртасида **“Йилнинг энг фаол ахборот хизмати”** ижодий танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

Танлов шартлари:

Танловда иштирок этиш учун ахборот хизмати ёки матбуот марказининг жорий йилдаги фаолияти ва эришган ютуқлари ҳақида маълумот – 2016 йилнинг 1 январидан 10 ноябригача давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик субъектлари, жамоат ташкилотларининг расмий ахборот сайтларида, шунингдек, мамлакатнинг босма ва Интернет нашрларида чоп этилган, таърифланган фаолиятни тасдиқлайдиган манбаларга барча ҳаволаларни тақдим этган ҳолда, вазирликлар, идоралар ёки жамоат ташкилотлари, ахборот хизмати ходимининг фамилияси ва исми, ОАВда тадбирлар қайд этилган мақолаларнинг асл нусхаси тақдим этилиши керак.

Танлов олтита номинация бўйича ўтказилади:

– йилнинг энг фаол ахборот хизмати;

– йилнинг энг фаол ахборот хизмати раҳбари ёки ходими;

– энг яхши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий сайти;

– йил кашфиёти;

– маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этганлиги учун;

– журналист наздидаги энг фаол ахборот хизмати.

Номинациялар бўйича танлов ҳужжатлари рўйхати:

Йилнинг энг яхши ахборот хизмати – жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимларининг исми ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлари бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Йилнинг энг яхши ахборот хизмати раҳбари – жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати раҳбарининг фамилияси ва исмининг ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Энг яхши расмий сайт – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари расмий сайтининг фаолиятини, расмий веб-сайт ва бошқа ОАВда, жумладан, электрон нашрларда чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, веб-сайтга кундалик ташриф буюрувчилар сони, чоп этилаётган ахборотнинг ғоявий-бадиий даражаси ва контент сифати, шунингдек, расмий веб-сайтда тил версияларининг ишлашини эркин усулда таърифлаш.

Йил кашфиёти – жорий йилда йирик жамоат ташкилотлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ахборот хизмати ходимлари ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимлари фамилияси ва исми матбуотда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этиш – давлат ҳокимияти ва бош-қаруви органи расмий саҳифасининг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти, рўйхатдан ўтганларнинг сони, фойдаланувчиларнинг умумий қамрови, расмий саҳифа ва Интернет-ОАВда чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, расмий саҳифада тақдим этилган материалларга репостлар сони, ахборотни ижтимоий тармоқларда жойлаштириш тезлиги, ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар билан мулоқот самарадорлигини эркин шаклда таърифлаш.

Журналист наздидаги энг фаол ахборот хизмати – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмлари, масс-медиа вакиллари учун ўтказиладиган тадбирлар сони ва уларнинг иштирок этиш даражаси, шаклланган журналистлар маблағининг мавжудлиги, журналистлар учун махсус мавзуга доир танловларнинг ўтказилиши, тадбирлар доирасида тақдим этиладиган тарқатма материалнинг сифати, онлайн режимида ташкилот фаолияти ҳақидаги дайджестларнинг доимий равишда юритилишини эркин шаклда таърифлаш.

Танловда иштирок этиш учун ариза юридик шахс раҳбари – танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳр босилган, иш жойи, касбий фаолияти ҳақида қисқача маълумот, телефон рақами, манзили ва муаллиф паспортининг нусхаси илова қилинган ҳолда тўлдирилган бланкни ташкил этади.

Танловга топширилган материаллар ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тилида тайёрланган бўлиши ва босма, Интернет нашр ёки веб-сайт кўрсатилган ҳолда босма ҳамда электрон шаклда тақдим этилиши керак.

Фоторепортажлар асл нусха ҳолатида тақдим этилади.

Танлов ғолибларига совринлар:

Ғолиблар ҳар бир номинация бўйича махсус диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланади.

Материаллар 2016 йилнинг 10 ноябригача **“Йилнинг энг фаол ахборот хизмати”** танловига қайди билан Тошкент шаҳар 100129, А.Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига юборилиши керак.

Батафсил маълумотни 244-12-51, 244-14-28 телефонлари орқали олиш мумкин.

Ташкилий қўмита

Маҳаллаларда

ЖАМИЯТ ВА АЁЛ

Маҳалла хотин-қизларнинг маънавий баркамоллигини, оилалар тинчлигини, хотиржамлигини таъминловчи миллий қадриятларимизни улуғловчи, хонадонлар мустаҳкамлигини ҳимояловчи, қизларни миллат фахри қилиб тарбияловчи ноёб фуқаролик жамияти ҳисобланади.

– Маҳалламизда хотин-қизларнинг маънавий баркамоллигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ёш қизларни турмушга тайёрлаш, аёллар бандлигини таъминлаш, уларнинг илмий ва дунёвий билимларини ошириш борасида салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқдамиз, – дейди Олмазор туманидаги “Корасарой” маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Нафиса Иргашева. – Катталар ҳурматда-ю, кичиклар иззатдалиги ва энг муҳими бир-биримизга бўлган меҳр-оқибат туфайли маҳалламиз тинч ва фаровғатли ҳаёт кечирмоқда. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, тозалаш ишларини амалга ошириш, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хонадонлардаги ўзаро аҳиллик ва бирдамлик, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, тўй-ҳашам ва турли маросимларни ихчамлаштириш хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги ўрнини таъминлаш буларнинг барча-барчаси маҳалла фаоллари зиммасидаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Маҳаллада хотин-қизларнинг маданий, тиббий, ҳуқуқий ва сиёсий онгини ошириш мақсадида турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. “Фарзандингиз мустаҳкам оила қуришга тайёрми?”, “Оилавий низолар ва уларнинг салбий оқибатлари”, “Никоҳнинг соғлом бўлиш шартлари”, “Совчилик одоблари”, “Тўйдан кейинги ноғора”, “Оила инқирозларининг олдини олиш” мавзуида тадбирлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилиб турилади. “Ораста қизлар” тўгараги аъзолари билан ягона режа асосида ўтказиладиган тадбирлар ҳам қизларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ҳуқуқий, тиббий билимларини ошириш, саломатликларини мустаҳкамлаш ва уларни оилага тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. “Бичиш, тикишни ўрганамиз”, “Қизлар учун ҳам қирқ ҳунар оз” шиори остида тўгараклар фаолият олиб боради.

Юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва юксалиши маҳалладан бошланади. “Қорасарой” маҳалласини бу борада барча маҳаллаларга ибрат бўла олади дейиш мумкин. Маҳаллада хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоялаш борасида аниқ мақсадли ишлар амалга оширилади. Айниқса, тўй-ҳашам ва турли маросимларни ўтказишда исрофгарчиликка, дабдабабозликка йўл қўймаслик борасида ҳар бир оила бошлиқлари билан суҳбат ўтказиб, “Тўй баённомаси” тўлдирилади. Тадбирни ўтказиш бўйича масъул шахс тайинланади. Тўйдан кейин турмуш қурган ёшларга, қайнона, қайнотага маҳалла фаоллари, нуронийларнинг ўгити бўлмиш “Эслатма” топширилади ва бунинг амалий натижаси яхши бўлмоқда.

Дарҳақиқат, маҳалла қадимдан маънавият ва тарбия ўчоғи, меҳр-мурувват маскани ҳисобланган. Абу Али ибн Сино айтганидек, “Фарзандлари пок, тарбия кўрган, маънили маҳаллада, оилада ҳамиша файзу барокат, хотиржамлик ва ҳаловат бисёр, миллатни эса ҳеч қачон енгиб бўлмайди”.

“Қорасарой” маҳалласида олиб борилаётган кенг кўламли дастуруламал ишлар миллатнинг ори бўлмиш қизларнинг ҳаётда қоқилмаслигида, аёлларнинг жамиятда ва оилада ўз ўрнига эга бўлишида, фарзандлар тарбиясида ибрат бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Гулнигор САТТОРОВА

Ҳамшаҳарларимиз

КАМТАРЛИК – КОМИЛЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

Ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган юксак муносабати билан белгиланади. Аёлларга нисбатан кўрсатиладиган шарқона эҳтиром ва эъзоз бизнинг мамлакатимизда ибрат намунаси ҳисобланади, десак муболаға бўлмайди.

Чунки ўзбек аёли ҳар жабҳада илғор, ташаббускор, изланувчан, оилага садоқатли ва жуда болажон хилқат. Ҳам оилани, ҳам давлат ишини бирдек эплаб, ўз ишига масъулият билан ёндашиб, фаолият олиб бораётган аёлларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Омила Арипова ҳам ана шундай тиниб-тинчимас, меҳнаткаш, ҳар ишда фаол аёллар сирасига киради. 1984 йили Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг (илгариги Решетов номли рус тили ва адабиёти институти) сиртқи бўлимида ўқиб юрган кезларидаёқ, 196-ўрта мактабда етакчи бўлиб иш бошлаган. 1988-2000 йилларда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, 2000-2003 йиллар давомида эса Олмазор ва Учтепа туманларида “Васийлик ва ҳомийлик” бўлимида болаликни муҳофаза қилиш инспектори бўлиб иш юритган. 2003 йилдан 2011 йилгача Олмазор туман ҳокимлигида иш юритиш бўлими мудири вазифасида фаолият олиб борган.

2012 йилнинг март ойидан бошлаб то бугунга қадар, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқарувида Оила, хотин-қизлар йўналиши бўйича бош мутахассис бўлиб ишламоқда.

Омила Арипова жамоада энг аввало инсоний фазилатлари, билими, талабчанлиги, ҳушмуомала, камтар ва изланувчанлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Ўзининг меҳнатсеварлиги, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиши каби сифатлари билан ҳурмат қозонган.

“Маҳалла” хайрия жамоат фондининг туман бўлимлари бош мутахассислари билан иш жараёнида ўзининг ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, қонун ва қонуности ҳужжатлари асосида ишларни ташкиллаштиришда амалий ёрдам бериб келмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш ўқув маркази”да, маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларига ўқув машғулотларини ўтказишда яқиндан кўмакдош.

Касбий малакасини ошириш ва тажрибага эга бўлиш мақсадида мунтазам равишда ўз устида ишлаб, ўқиб ўрганишдан чарчамайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни тўғри талқин этиш, уларни аҳолига етказишда дунёқараши ва билими етарли қадр, жамоа ўртасида обрў-эътиборга эга ходимдир.

Шу меҳнатлари самараси ўлароқ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ЁИҲ, Маънавият ва тарғибот маркази, Қизил Ярим Ой Жамияти Тошкент шаҳар бўлимлари томонидан фахрий ёрлиқ, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланган.

Аслида хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар хотин-қизлардир. Опа қайси соҳада меҳнат қилмасин, аввало оиласига, юртига жонкуярлиги унинг ҳар бир ҳаракатидан сезилиб туради. Оиланинг ободлиги, рўзғорнинг баракаси аёл билан эканлигини кексаларимиз кўп таъкидлашади. Қаҳрамонимиз биз таъриф этган каби фидойи оила бекаси, тўртта фарзандининг меҳрибон онаси, икки нафар невараларнинг севимли бувижониси.

Омила Арипова замон билан ҳамнафас фаолият олиб бориш билан бир қаторда миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни келажак авлодга етказишга, улардан бахраманд бўлишга эътибор қаратиб келмоқда.

– Аёл жамиятнинг тиниқ кўзгусидир, – дейди Омила Арипова биз билан суҳбатда. – Бу кўзгуда фаҳм-фаросат, ақл-идрок, билим, тажриба, малака, ҳаё, сабр, меҳр ва ўзбек аёлига хос бўлган жамийки хислатлар акс этиб туради. Олиб борилаётган ишларимиз негизида, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузининг янада юксалиши, оила мустаҳкамлиги, оналик ва болалик бахти, аёллик саодати, уларнинг нурафшон эртасига хизмат қиладиган долзарб вазифалар ва ишларнинг кенг қамрови мужассамланган. Шундай жаннатмакон юртда яшаётган эканмиз ҳар бир кунимизга шукрона келтиришимиз шарт. Илоҳим юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, фарзандларимиз саломат бўлсин...

Дарҳақиқат, аёллар маънавият, гўзаллик, нафосат, эзгулик, меҳр ва муҳаббат таратувчи зот, оила ва жамиятда тинчлик ва тараққиёт элчисидир. Ўзбек аёлининг ўзига хослиги, аввало, оилага ҳурмати, садоқати, болажонлиги сабр ва бардошида кўринади. Биз сўз юритган Омила Арипованинг меҳнаткашлиги ҳамда ўзгалар меҳнатини қадрлай олиш фазилати таҳсинга лойиқдир. Омила опа каби аёлларимиз бор экан, юртимизда ҳамиша тараққиёт, ривожланиш ва албатта оилаларимизнинг фаровонлиги янада юксалиб бораверади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

21 октябрь – "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинган кун

МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига бу йил 27 йил тўлди. Олиб борилаётган амалий чора-тадбирлар, илмий изланиш ва тадқиқотлар самарасида она тилимиз янада бойиб, сайқалланиб, дунё миқёсида аҳамияти ҳамда нуфузи ошиб бораётир.

Хориждаги қатор таълим даргоҳларида ўзбек тили марказларининг ташкил этилаётгани, она тилимизни ўрганиш истагида бўлган кишиларнинг кўпайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

"Ўзнефтгазқазибчиқариш" акциядорлик компаниясида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ташкил этилган "Тилга эътибор – элга эътибор" мавзуидаги маънавий-маърифий тадбирда шулар ҳақида сўз юритилди.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилининг ривожланишига хизмат қиладиган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан 1993 йилда қабул қилинган "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонун, 1995 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг янги таҳрири, шунингдек, жорий йилнинг 13 майидаги "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармон она тилимиз ва адабиётимизни ривожлантиришда кенг имконият эшикларини очмоқда.

Тилшунослар, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, санъаткорлар ҳамда журналистлар иштирок этган мазкур тадбирда она тилимизни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида янада бойитиш, соф ўзбек тили меъёрларига амал қилган ҳолда сўзлашув маданиятини шакллантириш, тилимизнинг бой имкониятларидан кенг фойдаланиш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Г.САТТОРОВА,
ЎзА мухбири



(ЎзА) олган сурат

ТИЛ – МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ

Халқнинг, миллатнинг мавжудлиги, аввало, унинг ўз тилига эгалиги билан белгиланади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1989 йил 21 октябрда "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилиниб, ўзбек тилининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди.

Мазкур сана муносабати билан мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида она тилимизни ривожлантириш, унинг бетакрор жозибаси ва гўзаллигини намойиш этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Таълим даргоҳларида ушбу сана муносабати билан "Она тили ва адабиёти" ойлиги ташкил этилмоқда.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 243-умумтаълим мактабида ҳам бошланғич синф ўқувчилари учун "Ўзбек тилини ўрганамиз", "Ким ифодали, тез ва равон ўқийди?", "Энг чиройли ҳуснихат эгаси" каби мавзуларда беллашув ва тадбирлар, юқори синф ўқувчилари учун "Тил – дил калити", "Аждодлари буюк юрт фарзандиман", "Она тили ва адабиёти билимдонлари беллашуви", "Тил борки, миллат бор" каби мавзуларда адабий кечалар, давра суҳбатлари, "Асар қаҳрамонлари менинг тасаввуримда" мавзуида расмлар танлови ўтказилаётир.

– Бугунги глобаллашув даврида тилимиз софлигини сақлаш, сўзлашувда турли хорижий иборалар ўринли-ўринсиз ишлатавермаслик талаб этилади, – дейди ЎзА мухбирига мазкур мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Нилуфар Комилова. – Боланинг бошқа фанларни пухта ўзлаштириши унинг ўз она тилини нечоғли яхши билишидан бошланади. Бинобарин, бошланғич синф ўқитувчисининг тилни ўргатишдаги масъулияти ниҳоятда катта.

Дарс жараёнида иншолар танлови ўтказилиб, ғолиблар муносиб рағбатлантирилмоқда. Шеърият кечалари, учрашувлар, билимлар беллашувларида зукко ўғил-қизлар куч синашиб, ўз билимини, она тилимизга меҳр-муҳаббатини намойиш этмоқда. Фан ойлиги давомида гўзал шаҳримиз бўйлаб саёҳат, муқаддас қадамжоларга экскурсиялар уюштирилмоқда. Ташкил этилаётган тадбирларга таниқли олим, ёзувчи ва шоирларнинг жалб этилаётгани ўқувчилар саводхонлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Нурилло НАСРИЕВ

Шайхонтоҳур Транспорт касб-ҳунар коллежида ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатларга қарши курашишга қаратилган тадбир ташкил этилди.

БИЗ ЗАРАРЛИ ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИМИЗ!

Барчамизга яхши аёнки, юртимизда келажак авлодни ҳар тарафлама соғлом, билимли, маънан етук ва баркамол қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилаётир. Бу йўлда улар учун етарлича шарт-шароитлар яратилган. Шундай экан ёшларимизни турли ёт ғоялардан асраш, гиёҳвандлик, одам савдоси, ичкиликбозлик каби иллатлар домига тушиб қолмаслигини таъминлаш, уларни тўғри йўлга бошлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан биридир.

Тадбирда сўзга чиққанлар турли ёт ғоялар домига тушиб қолиш, зарарли иллатларга ружу қўйишнинг нечоғли ёмон оқибатларга олиб келиши, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши, бундан ташқари, инсон саломатлиги, унинг турмуш тарзи, оилавий ҳаётининг издан чиқишига таъсир этиши ҳақида гапириб, ўқувчиларга тушунчалар бериб ўтдилар.

– Ёшларни турли оқимлар ва зарарли иллатлар домига тушиб қолмасликлари учун олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, телевидение орқали намойиш этилаётган кўрсатувларга қарамай ҳамон билиб-билмай хато қилаётган ёшларимиз учраб турибди, – дейди Шайхонтоҳур Транспорт касб-ҳунар коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Н.Сатарханова. – Тадбиримиздан мақсад эса ўқувчиларимизни янада ҳушёрликка чақириш, ҳар хил иллатларга нисбатан иммунитетини кучайтириш, уларга бу иллатларнинг оқибатларини содда ва тушунарли қилиб етказишдан иборат. Шунингдек, бу каби тадбирларимизда ёшларга яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, эзгу мақсадлар сари интилиб яшаш лозимлигини уқтириб бормоқдамиз. Ўйлайманки, бу борада қилинаётган ишлар эртанги кун авлодларини салбий иллатлардан ҳимоя қилишда ижобий самара беради.

Тадбир доирасида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Абдуалим САЛИМОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Respublika mulk markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига "O`ZBEKISTON RESPUBLIKA TOVAR XOMASHYO BIRJASI" АЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 53-уй манзилида сақланаётган "AUDI A6 Quattro" русумли, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, ранги қора, техник ҳолати қониқарли ҳолатда, бошланғич баҳоси – 90 509 858 сўм 47 тийин, давлат рақами 01/211 НАА бўлган автотранспорт воситаси. Савдо ғолибига 10 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Закалат пули миқдори 15 фоиз.

Аукцион 2016 йил 22 ноябрь соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 18 ноябрь куни соат 18:00.

Юқорида кўрсатилган савдоларда иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувда белгиланган миқдордан кам бўлмаган закалат пулини "RMM" АЖнинг АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 ҳ/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. 228-79-52.

Гувоҳнома №001580

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 23 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган навбатдаги аукцион савдоларига СИБ Тошкент шаҳар Яккасарой туман бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 26.04.2016 йилги №10-1319/642-сонли ижро варақасига асосан 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 079 SAA бўлган Матиз русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 067 920 сўм.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 24.06.2016 йилги №10-1604/2881-сонли ижро варақасига асосан: 1. 2015 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 М006233 бўлган Ласетти русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 60 074 329 сўм. 2. 2015 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 М006234 бўлган Кобалт русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 40 370 023 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда, яъни 21 ноябрь куни соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – **"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ**нинг "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (371) 233-61-44.

Гувоҳнома 004593

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"ҚАННОР OMAD TRANS" МЧЖга (ИНН 303351384) тегишли бўлган муддати тугаган қуйидаги лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

№ лиц.карта	Берилган вақти	Амал қилиш муддати	Марка	Давлат рақами
1669286	10.09.2015	09.09.2016 ГПГ	ГБА СПГ ММЗ-4502	01F267NA
1669287	10.09.2015	09.09.2016 ППГ	ГБА СПГ ММЗ-4502	01F267NA
1669346	17.09.2015	16.09.2016 ППГ	ГБА СПГ ЗИЛ-431410	10F038DA
1669347	17.09.2015	16.09.2016 ППГ	ЗИЛ 431610ГБАСПГ	01L978FA
1670050	01.12.2015	30.06.2016 ППГ	ММЗ 45021	01S529BA
1670051	01.12.2015	30.06.2016 ППГ	HAFEI	01F452RA
1670052	01.12.2015	30.06.2016 ППГ	ЗИЛ 130Г	01U350FA
1670053	01.12.2015	30.06.2016 ППГ	ГБАСПГЗИЛ 133Г2	01P493VA
1670054	01.12.2015	30.06.2016 ГПГ	HAFEI	01F452RA
1670055	01.12.2015	30.06.2016 ГПГ	ЗИЛ 130Г	01U350FA
1670056	01.12.2015	30.06.2016 ГПГ	ГБАСПГЗИЛ 133Г2	01P493VA
	Муддати тугамаган лицензия варақалари			
1741859	09.02.2016	08.02.2017 ППГ	ГБАСПГГАЗ 3302288	01Q715WA
1741860	09.02.2016	08.02.2017 ГПГ	ГБАСПГГАЗ 3302288	01Q715WA.
1742075	16.02.2016	15.02.2017 ГПГ	LABO	01K741LA
1742076	16.02.2016	15.02.2017 ГПГ	LABO	01S601LA
1742077	16.02.2016	15.02.2017 ГПГ	МЕРСЕДЕС БЕНЦ-312D	01V309EA
1742080	16.02.2016	15.02.2017 ППГ	LABO	01K741LA
1742081	16.02.2016	15.02.2017 ППГ	LABO	01S601LA
1742082	16.02.2016	15.02.2017 ППГ	МЕРСЕДЕС БЕНЦ-312D	01V309EA

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 132-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежи ва И.М.Губкин номли Россия давлат нефть ва газ университети филиали қошидаги ихтисослашган академик лицейда соғлом овқатланиш шарт-шароитларини янада яхшилаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар ўртасида таълим муассасаларига хизмат кўрсатиш бўйича тендер-танловлари ўтказилади. Тендер-танловларида иштирок этувчилар томонидан аризалар Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасига топширилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниб, ҳужжатлар талабгорлар томонидан муҳрланган конвертларда танлов комиссиясига тақдим этилади: умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома; махсус, моддий-техника базаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома; бўш айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси; талабгорнинг таълим муассасаси ошхонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича истиқбол режаси ва таклифлари; талабгор томонидан тасдиқланган мавсумий намунавий таомномалар.

Танловга оид қўшимча маълумотлар:

Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасининг манзили Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Телефон: 252-77-81, 252-23-17.

1.Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежининг жойлашган манзили Бектемир тумани, Роҳат кўчаси, 29-уй, телефон: 295-67-41

2.Тошкент шаҳридаги И.М.Губкин номли Россия давлат нефть ва газ университети қошидаги ихтисослашган академик лицейнинг жойлашган манзили Бектемир тумани, Сувчи даҳаси, 84-уй. Телефон: 295-73-23.

Ижарага олувчилар ўртасида 2016 йил 4 ноябрь куни соат 11:00 да Бектемир туман ҳокимлиги биносида тендер бўлиб ўтади. Аризалар 3 ноябрь куни 18.00 гача Бектемир туман Халқ таълими бўлими биносида қабул қилинади.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **21 октябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража иссиқ, кундузи — 10-12 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **21 октябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-4227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1055

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4775 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 15.20

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ